Методик қўлланма

Коррупция

олий таълим учун яширин таҳдид





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ

КОРРУПЦИЯ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ УЧУН ЯШИРИН ТАҲДИД

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
“YETAKCHI NASHRIYOTI”
2024

УЎК: 378:328.185(072)(075)
КБК: 74.58я7+66.3
М – 23
Муродуллаев, Шоҳруҳ
Коррупция: олий таълим учун яширин таҳдид [Матн]: методик қўлланма / Ш.Муродуллаев, Т.Маматалиев, Д.Алиқулов. – Т.: “Yetakchi nashriyoti”, 2024 й. – 32 б.

ISBN 978-9910-9622-7-1

Мазкур қўлланма коррупция ва академик инсофсизлик (академик коррупция) тушунчаларининг мазмуни, норасмий коррупциянинг олий таълимга таъсири каби масалаларни ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб академик инсофсизликка қарши курашиш борасидаги тавсияларни ўз ичига олади.

Қўлланмадан илмий фаолият билан шуғулланувчи барча соҳа ходимлари, шунингдек, профессор-ўқитувчилар, докторантлар, талабалар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Таҳрир ҳайъати:
Ш.Якубов, И.Зокиров, А.Амонов, Т.Ахмедов,
М.Хайитов, С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 378:328.185(072)(075)
КБК: 74.58я7+66.3

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2023 йил 25 сентябрдаги 5-сонли раёсат мажлиси баёни ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023 йил 29 сентябрдаги 438-сонли буйруғи асосида нашрга тавсия этилди.

978-9910-9622-7-1

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази, 2024 й.

КИРИШ

Республикада сўнгги йилларда олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳукуматимиз томонидан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилди, хусусан, яъни олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Шунингдек, олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашишга оид алоҳида бўлинмалар ташкил этилди. Ишга қабул қилиш ва хизмат кўрсатишнинг шаффоф жараёнларини ташкил этиш, ходимлар ва талабалар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, олий таълим тизимида шаффофлик ва жавобгарликни ошириш чоралари кўрилди. Хусусан, олий ўқув юртлари ва коллежлар фаолиятини баҳолашнинг янги тизимини жорий этиш, шунингдек, коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш учун “ишонч телефони” ташкил этиш шулар жумласига киради.

Юқоридагилар билан бир қаторда, коррупциявий ҳолатларни содир этган мансабдор шахсларга нисбатан жазо чораларини кучайтириш, коррупцион ҳолатларнинг олдини олишда фуқаролик жамияти ролини мустаҳкамлаш — олий ўқув юртлари ва коллежлар фаолиятининг беғаразлиги ва жавобгарлигини оширишда муҳим воситалардан бири ҳисобланади.

Олий таълим муассасалари кўпинча муваффақиятли ва фаровон жамиятнинг асоси сифатида эътироф этилади. Бу талабалар ўрганиши, ўсиши ва танланган касбларида муваффақиятга эришиши учун зарур кўникмаларни ривожлантиришлари мумкин бўлган маскандир. Бироқ тизимда коррупцияга қарши курашиш борасида муҳим ислоҳотлар амалга оширилишига қарамасдан, жамоатчиликда академик коррупция ва унинг олий таълимга таъсири ҳақида хавотирлар мавжуд. Ваҳоланки, академик коррупция плагиат, маълумотларни сохталаштириш ва порахўрлик каби ўқув жараёнининг яхлитлигига путур етказадиган ҳар қандай ахлоқсиз ёки ноқонуний хатти-ҳаракатларни англатади.

Академик коррупция олий таълим учун яширин таҳдид бўлиб, талабалар, профессор-ўқитувчилар ва бутун жамият учун жиддий



оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу таълим сифатининг пасайишига, илмий муассасаларга ишончнинг йўқолишига, илмий даражалар қийматининг тушишишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, академик коррупция тадқиқот ва инновацияларга, шунингдек, университет ва коллежларнинг обрўсига салбий таъсир кўрсатади.

Мазкур методик қўлланмада академик коррупция ва унинг олий таълимга таъсири атрофлича таҳлил қилинган. Унда академик коррупциянинг турли шакллари, унинг сабаблари ва талабалар, профессор-ўқитувчилар ҳамда жамият учун оқибатлари ҳақида сўз юритилади. Бундан ташқари, унда республикамиз олий таълим тизимида академик коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича амалий ечимлар тақдим этилди.

Зеро, академик коррупциянинг табиати ва кўламини англаган ҳолда, биз олий таълим тизимида ҳалоллик ҳамда жавобгарлик маданиятини яратиш учун биргаликда ҳаракат қилишимиз зарур.

Ушбу методик қўлланма профессор-ўқитувчилар, талабалар, олий таълимда ҳар томонлама очиқ ва шаффоф амалиётларни жорий қилишдан манфаатдор бўлган ҳар бир киши учун фойдалидир.

КОРРУПЦИЯ НИМА?

Коррупция — бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллат. Мазкур иллат демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказади, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради. Шунингдек, фуқаролар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отишига шароит яратиб беради.

Назарий жиҳатдан, коррупция деганда, давлат ҳокимиятида давлат хизмати имкониятларидан ўзбошимчалик билан фойдаланган ҳолда ваколатларни суиистеъмол қилиш, мансаб ваколатига эга бўлган шахсларнинг ўз шахсий манфаатларини кўзлаб ва моддий наф кўриш мақсадида ғайриқонуний ҳамда ғаразли ниятда фуқаролардан пора олиши, пора эвазига хизмат ваъда қилиши ёки кўрсатиши, шунингдек, жиноий уюшмаларга мададкор бўлган ҳолда ёрдам беришида намоён бўладиган ижтимоий ҳодиса тушунилади.

Аслида коррупция бирор мансабдор шахснинг қонунчилик ва ахлоққа зид равишда ўзининг бошқарув ваколатлари ҳамда ҳуқуқларидан шахсий манфаатлари йўлида фойда олишидир.

Ваҳоланки, ҳар қайси даврда ҳам коррупция ўзининг ижтимоий хавфли хусусияти ва даражаси билан жамият ҳаётига таъсир кўрсатиб турган. Унга қарши самарали курашиш жамият ривожининг барча босқичларида ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб келган.

Таълимда, хусусан, олий таълим тизимида коррупциянинг оқибати ушбу тизимнинг очиқ, шаффоф ҳамда аниқ механизмлар асосида фаолият олиб боришига тўсқинлик қилиши билан бир қаторда, носоғлом муҳитнинг шаклланишига ҳам олиб келади. Зеро, таълимдаги коррупция — бу жиноят.

АКАДЕМИК ИНСОФСИЗЛИК (АКАДЕМИК КОРРУПЦИЯ) ТУШУНЧАСИ

Хорижий университетлар тажрибаси асосида Олий таълим тизимида академик инсофсизлик (академик коррупция)нинг кўринишлари, келиб чиқиш сабаблари, ушбу муаммонинг олдини олиш ҳамда "академик ҳалоллик"ни таъминлаш борасидаги хорижий тажриба ўрганилди. Жумладан: АҚШдаги Аубурн, Денвер ва Иллинойс университетлари, Ҳарпер ва Лумен коллежлари, Миср давлат университети, Россия давлат университети, Халқаро академик ҳалоллик маркази — ICAI (*academicintegrity.org*), ЮНЕСКОнинг **Таълимни режалаштириш халқаро институтига** тегишли сайти (*etico.iiep.unesco.org*) ва ўндан ортиқ машҳур олимларнинг мақолалари *(Рутгерс университети профессори Дон Маккейб, Мр Тревинё, Линдси Крамер ва бошқалар),* ушбу университетларнинг расмий веб-сайтлари, онлайн платформалари, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Жанубий Корея, Миср, Россия, Швеция, Финландия, Қозоғистон ва бошқа давлатларда таҳсил олаётган 30 дан ортиқ талабаларнинг фикрлари ўрганилди.

"Коррупция" лотинча "corruptum" сўзидан келиб чиққан бўлиб, "синган, бузилган, сотиб олинган, пора эвазига оғдириш" деган маъноларни билдиради. Коррупция жиноятчилиги иқтисодиётга, мамлакат сиёсий ва халқаро мавқеига ҳамда жамият маънавий-ахлоқий нуфузига фожиали зарар етказадиган хавфли иллат ҳисобланади.

Дастлаб нуфузли хорижий университетлар тажрибаси асосида олий таълим тизимида академик инсофсизлик (*академик коррупция*)нинг келиб чиқиш сабаблари, уни бартараф этиш йўллари ва олдини олишга тўхталсак.

Айни пайтда олий таълим тизимида академик коррупциянинг **икки тури** учрайди:

***1. Академик коррупциянинг пулсиз кўриниши*:** талабаларнинг кўчирмачилиги (*плагиат, уйдирма, алдаш*), телефон ёрдамида имтиҳонлардан ўтишлари, интернетдан кўчириб курс иши ва малакавий амалиётлардан баҳо олиш учун плагиат қилишлари, таниш-

билиш орқали баҳо олиш, компьютер тизимларини бузиш (саботаж), касбий нотўғри хатти-ҳаракатлар, талабалар ва ўқитувчи-профессорлар томонидан институционал ҳокимиятдан фойдаланиш ёки шахсий манфаат учун маълумот олиш эканлиги тушунилади.

2. Академик коррупциянинг пулли кўриниши: оралиқ ва якуний назоратлардан сунъий равишда юқори баҳога эришиб, талабалар белгиланган стипендия миқдорини (БСМ) билимига мос равишда олмасликлари, қалбаки сертификатлар, дипломлар тақдим қилиб, иқтидорли талабалар сафига ўтиб, имтиёзли стипендиялар ёки бир марталик 5-10 баравар БСМда пулли рағбатлантириш, порахўрлик ва унга ўхшаш бошқа ҳолатларни юзага келтириш назарда тутилади.

Академик инсофсизлик (академик коррупция) деганда талабанинг курс иши ва даража талабларига жавоб беришда бошқа шахсни алдаш мақсадида рухсатсиз фойдаланиши, алдаш (ёзувларни яшириш, график калкуляторлар, мобил телефонлар, талабага телеграм орқали тест жавобларини юбориш), ўқитувчи-профессор ва талабаларнинг порахўрлик, фабрикация (илмий ишларда далиллар ўйлаб топиш, иқтибослар яратиш, маълумотларни сохталаштириш ёки олиб борилган тадқиқот ҳақида ёлғон даъволар қўйиш), такрорий топшириш (имтиҳоннинг муддатини чўзиш), плагиат (10 га яқин тури мавжуд) ва академик нотўғри хатти-ҳаракатлар тушунилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, **Жанубий Корея ва Францияда** (100 га яқин тилдаги плагиатни аниқлай оладиган дастур — Ouriginal.som) курс иши, амалиёт ҳисоботи, оралиқ, якуний, БМИ ва диссертацияларни текширувдан ўтказиш жараёнида белгиланган сайтга юклашади (сайтга юклашдан олдин ўзлари текширишлари учун бир қанча дастурлар ҳам бор). Агар плагиат миқдори 40 фоиздан юқори бўлса, сайт қабул қилмайди.

Хусусан, АҚШдаги Нью-Йорк университетининг “Академик кодекс: талабалар интизомий тартиб-қоидалари”да (Academic code: student disciplinary procedures) шундай дейилган: “Ҳар бир



талаба академик ҳалол бўлиши ва бошқаларнинг ноҳақлигига тоқат қилмаслиги лозим".

Маълумот учун: Плагиат (кўчирмачилик) қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

– асар муаллиф(лар)ини, манбасини кўрсатмаган ҳолда фойдаланиш ва иқтибос келтириш;

– бошқа шахслар томонидан яратилган асарни тўлиқ кўчирган ҳолда ёки тадқиқот иши доирасида мос ҳажмдан ортиқ даражада фойдаланиш орқали ўзлаштириш;

– фикрнинг манбасини кўрсатмасдан ўзгартириб ифодалаш;


– интернетдан тўлиқ олинган ёки илгари тақдим этилган ёзма ишни (оралиқ, якуний назорат), битирув малакавий ишини (БМИ), магистрлик ёки докторлик (PhD, DSc) диссертациясини ўзлаштирган ҳолда топшириш.

Кўпчилик мутахассислар АҚШнинг илм-фандаги ютуқлари бош омилини плагиатга қарши муросасиз курашганлигида деб ҳисоблайди. Жумладан, айрим Америка университетларида плагиатдан фойдаланилгани учун ўқишдан четлаштириш чораси қўлланилади.

Ушбу масала миллий қонунчилигимизда ҳам қуйидагича акс этган:

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (кейинги ўринларда — ОАК) Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги қарори билан тасдиқланган **"Илмий даража-**


лар бериш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 50-бандига кўра, “Кўчирмачилик, сохта ҳужжатлар тақдим этганлик, диссертациянинг экспертизаси нохолис ўтказилганлиги каби ҳолатлар аниқланган тақдирда, Илмий кенгаш хулосаси ва эксперт кенгаши қарорига асосан илмий даражага эга бўлган шахслар ОАК Раёсати томонидан илмий даражадан маҳрум этилиши мумкин. ОАК Раёсатининг илмий даража бериш тўғрисидаги Илмий кенгаш қарорини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан кейин 10 йил ўтган бўлса, илмий даражадан маҳрум этиш масаласи кўриб чиқилмайди”, дейилган.



Миллий ОТМларимизда плагиатни аниқлаш ва унинг олдини олиш учун аниқ чора-тадбирлар етарли даражада ташкил этилмаган. Кўпинча бу масала эътиборга олинавермайди. Ваҳоланки, бу илм-фан келажагини барбод қиладиган иллат ҳисобланади. Шу боис ОТМларда плагиатни аниқлайдиган дастурлардан ***(Turnitin, Dupli Checker, Paperrater, Plagium каби)*** кенг фойдаланишни йўлга қўйиш имкониятларини кўриб чиқиш лозим.

2022 йил охирида Америкада ишга туширилган **Chat GPT** сунъий интеллекти плагиатларни аниқлашни қийинлаштирди. Сунъий интеллект ёрдамида ёзма ишлар ўзига хослиги **80-90%ни** ташкил қиляпти. Бу талаба ва илмий ходимларнинг илмий салоҳиятини пасайтирмоқда. Шу билан биргаликда, Chat GPTнинг сунъий интеллектдан фойдаланишда мижозлардан пул талаб қилмаслиги кенг аҳоли орасида ундан фойдаланишнинг жуда тез оммалашишига сабаб бўлмоқда.

Россия Федерациясининг Узоқ Шарқ минтақасида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, 1-курс талабалари 4-курсга бориб **интернетдан кўчиришлари 12 фоизга** ошар экан. Имтиҳон давомида **бошқа талабалардан** ёки **ўқув адабиётлардан кўчириш** эса **25 фоиз** ошади, яъни 1-курс талабалари тасаввурида “шу тарзда ўқиса ҳам бўлади” деган тушунча пайдо бўлади. Албатта, бу



ачинарли ҳол, чунки бу ҳолат мамлакат илмий салоҳиятига таъсир этмай қолмайди. Биз мана шунинг учун ҳам талаба ёшларга таълимнинг дастлабки даврларидан академик инсофсизлик ёмон қилмиш эканлигини тушунтириб боришимиз керак. Бунда, аввало, профессор-ўқитувчилар талаба ёшларга бошқа муаллифлар ишларидан тўғри фойдаланиш қоидаларини ўргатишлари лозим.

Ҳозирги кунда талабалар томонидан ўзларини ўқиётгандай кўрсатиш ҳам бирмунча тарқалган айёрликлардан ҳисобланади. Бунда улар кўпинча вазифаларни интернетдан ёки юқори курс талабаларидан кўчиришни одат қилишади.


КОРРУПЦИЯНИНГ ТАЪЛИМГА ТАЪСИРИ

Олий таълимга энди қадам қўяётган ёшларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида сўровнома ўтказилди. Ушбу тадқиқотда қатнашган барча тоифа респондентлар олий таълимни, жумладан, олий таълим муассасаларига кириш имкониятини, олий таълим муассасаларидаги таълим жараёни иштирокчилари орасидаги муносабатларни тадқиқ қилиш зарурлигини таъкидладилар. Қатнашчилар олий таълим тизимида, айниқса, ОТМга қабул қилиш масалаларида шаффофлик етарли эмас деб ҳисоблайдилар. Деярли 700 нафар ота-она, 346 нафар ўқитувчи ва 20 нафар директор олий таълим тизимида-

ги коррупция хавфларини ўрганишни таклиф қилди. Тошкентдаги ота-оналардан баъзилари педагогика йўналиши битирувчилари мутахассисликлари бўйича ишлашни истамасликлари сабабларини ўрганишни таклиф қилдилар. Шунингдек, бўлажак ўқитувчилар учун амалий машғулотлар сонини кўпайтириш ва олийгоҳларда ўқитиш сифатини ошириш лозимлиги айтиб ўтилди.

Норасмий коррупцияда маълум бир жамият ёки гуруҳ аъзоларига (insiders) маълум бўлган сир ёки маълумотдан ундан ташқаридаги инсонлар (outsiders) бехабар бўлишади. Ҳозирги кунда бу коррупция тури бирмунча ўз шаклини ўзгартириб, замон талабларига мослашган, десак ҳам бўлади.

Олий таълимда кўзга ташланмайдиган коррупция тури бўлган мақсадли қабул коррупцияси хавфли ҳисобланади. Россияда бу коррупция тури кенг тарқалган бўлиб, давлат хизматчилари томонидан мунтазам содир этиб келади. Бунда давлат хизматчилари қариндошлари ёки танишларининг фарзандларини ўқишга кири-



> ***Коррупциянинг яна бир тури бўлган норасмий коррупция маълум қоидаларга, “сир тутиладиган маълумотларга”, кам сонли инсонларга маълум бўлган маълумотлардан маълум бир мақсадларни амалга оширишда фойдаланишга айтилади (to get things done).***

тишда мақсадли қабулдан фойдаланишади. Ўзбекистонда ҳам 2017 йилдан бошлаб мақсадли қабул асосида абитуриентларни ўқишга қабул қилиш бошланди.

Мақсадли қабул дастурини ишлаб чиқишда ҳам коррупция учраши мумкин. Чунки бу дастурлар орқали кўплаб амалдорлар ўз яқинларини олий таълим муассасаларига киритишга ҳаракат қилади. Бундай ҳолатларда улар норасмий коррупциядан фойдаланишади. Америка Қўшма Штатларида ва Россия Федерациясида ўтган аср давомида бундай усул билан амалдорлар (gatekeepers) ўз яқинларини ўқишга киритишган. Бундан кўринадики, мақсадли қабулга кираётган абитуриентларни яхшилаб кўриб чиқиш зарур.

Коррупция таълим жараёни билан бирга, олий таълимнинг бошқарув жараёнига ҳам жуда чуқур кириб борди. Мисол учун, буни университет моддий-техник базаси учун ажратилган маблағларни тўғри ишлатишда, ўқитувчиларга устама белгилашда, университетларни аккредитациядан ўтказишда кўришимиз мумкин.

ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Швецияда коррупцияга қарши курашиш учун бошқа Скандинавия давлатлари каби алоҳида давлат органи мавжуд эмас. Лекин бу давлатда нодавлат-нотижорат ташкилотлари орқали коррупцияга қарши курашилади. Бунга **“Демократик аудит”** муассасасини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бу ташкилот жамиятдаги коррупция ва қонун устуворлигини шаффоф тарзда мониторинг



қилиб боради. Швецияда коррупция бутунлай йўқ эмас, лекин жамият бу иллатга қарши курашади. Ҳар бир ҳолат жамиятда ва оммавий ахборот воситаларида кучли овоза бўлади. Швециянинг коррупцияга қарши курашишдаги асосий тамойили шундаки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари шаффоф ва матбуот учун очиқ фаолият олиб боради.

Бу ўз-ўзидан халқнинг коррупцияга қарши курашувчи органларга бўлган ишончини оширади.


Коррупцияни ўқишга киришдаги имтиёзларни белгилашда ҳам кўришимиз мумкин. Белгиланган имтиёзларни яшириш ёки кам тарғиб қилишда бу коррупция тури кўзга ташланади.

Ҳозирги кунда коррупциясизлик бўйича юқори ўринларда турувчи Европа мамлакати ҳисобланган **Финландия** олий таълим тизимида ҳам баъзан коррупциявий ҳолатлар учраб туради. Лекин жамият коррупцияга қарши муросасиз курашади ва жиноятчиларга жазо муқаррар бўлади. Финландияда коррупцияга қарши курашадиган алоҳида орган ёки қўмита мавжуд эмас. Бундай функцияларни мамлакатда Адлия вазирлиги бажаради. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Финландияда нафақат давлат, балки фуқаролик жамияти институт-

лари ҳам коррупцияга қарши курашади. Бу эса анча самаралироқ ҳисобланади.

Финландия **Corruption perceptions index**да коррупциясизлик ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дунёнинг 180 та мамлакатлари ичида биринчи ўринни эгаллаши шуни кўрсатадики, мамлакатда коррупцияга қарши курашиш яхши ва самарали йўлга қўйилган. Финландияда коррупция билан курашишда одоб-ахлоқ қоидалари асосий вазифани бажаради. Бунда келажак авлод ёшликдан коррупцияга қарши курашиш ҳис-туйғулари билан тарбияланади.

Бунда жамият аъзоларининг биргаликдаги ҳаракати давлатнинг коррупцияни йўқотишга бўлган ҳаракатидан таъсирчанроқ бўлади. Финландия тажрибаси ҳам буни яққол тасдиқлайди. Олий таълим муассасаларининг жамият учун очиқ бўлиши ҳам жамоатчилик назоратини кучайтиради.



Буюк Британия университетларида коррупция бирмунча кам ва унчалик кўзга ташланмайди (кўчириш, бошқарувдаги камчиликлар, техник муаммоларни ҳисобга олмаганда). Буни абитуриентларнинг ўқишга кириш имконияти яхшилиги билан изоҳлаш мумкин. Қабул сони кўп бўлса, ўқишга кириш учун коррупциядан фойдаланиш эҳтимоли ҳам анча камаяди.

АҚШдаги Аубурн ва Денвер университетларининг академик ҳалоллик кодекслари мавжуд бўлиб, кодексда профессор-ўқитувчи ва

талабаларнинг академик инсофсизлиги юзасидан хабар бериш билан боғлиқ бўлим киритилган. Унда бакалавриат босқичи талабалари бакалавриат профессорига, магистратура ва ундан юқори босқич талаба ва номзодлар проректорга электрон почта орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Мисрда академик инсофсизликнинг олдини олиш мақсадида имтиҳон саволларини **мум билан муҳрланган қутиларга солиб**, қўриқлаш учун полицияга юборади. Ҳаттоки имтиҳон саволларини олдиндан ноқонуний ошкор қилганларга **жиноий жавобгарлик** мавжуд.



Халқаро академик ҳалоллик маркази — ICAI (*academicintegrity.org*) **1992 йилда Рутгерс университети** профессори Дон Маккейб томонидан олий таълимда **фирибгарлик, плагиат ва инсофсизликка қарши курашиш мақсадида** ташкил этилган.

Халқаро академик ҳалоллик маркази академик ҳалолликни **ҳалоллик, ишонч, адолат, ҳурмат, масъулият ва жасорат** каби **олтита** асосий қадриятларга содиқлик сифатида белгилайди.

ЮНЕСКОнинг **Таълимни режалаштириш халқаро институтига** тегишли сайти (*etico.iiep.unesco.org*) ўз фаолиятини 2001 йилда бошлаган. ***Этисо*** дастури ахлоқ маданиятини юксалтириш, коррупцион амалиётларни камайтириш ҳамда сиёсий даражада шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойилларини интеграциялаш орқали таълимни режалаштириш ва бошқариш стратегияларини мустаҳкамлашга қаратилган. Ушбу сайтда **“Таълимдаги ахлоқ ва коррупцияга оид кўплаб манбалар”ни** топиш мумкин.

ЮРТИМИЗДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ УЧУН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР

Бу борада бизнинг олий таълим муассасаларимизда ҳам ҳаракатлар бошланган. Хусусан, Тошкент давлат юридик университети **Академик ҳалоллик ва тадқиқот этикаси кодексини** ишлаб чиққан. Унда талабалар ва университет ҳаёти тўлиқ тартибга солинган. Ўқув жараёни самарадорликка қаратилган бўлиб, академик инсофсизликни аниқлаш ва уни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Профессор-ўқитувчиларнинг малака оширишда билимини баҳолаш тўлиқ электронлаштирилди ва муқобил малака ошириш турлари жорий этилди.

Сўнгги уч йилдан буён бакалавриат таълим йўналишларига киришда ҳужжатлар онлайн шаклда қабул қилинмоқда. Абитуриентларга бир вақтнинг ўзида 5 тагача олий таълим муассасасида танловларда иштирок этиш имконияти яратилди. Тест онлайн кузатиш **(https://test2021.uz)** имконига эга бўлган катта павильонларда ўтказилди.

Алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишларига касбий (ижодий) имтиҳонларнинг ўтказилиши билан боғлиқ қатор янгиликлар киритилди. Хусусан, имтиҳонлар 2 босқичда ўтказилмоқда:

а) касбий (ижодий) имтиҳон жараёнларининг https://imtihon.edu.uz/ платформасида онлайн трансляцияси ташкил этилади.

Коррупцион омилларни бартараф этиш мақсадида ижодий имтиҳон бўйича комиссия аъзолари турли олийгоҳлардан жалб қилинган профессор-ўқитувчилардан шакллантирилди. Шунингдек, комиссия аъзоларининг илмий даража ва унвонларига қараб ҳар бир иш куни учун 8 соатлик иш ҳақи тўлаб бериш амалиёти йўлга қўйилди.

б) ижодий имтиҳонлардан сўнг мажбурий 3 та: она тили, математика ва Ўзбекистон тарихи фанлари бўйича ДТМ томонидан тест синовлари ўтказилади.

Давлат олий таълим муассасалари магистратурасига қабул абитуриентнинг бакалавриат диплом бали ўртача кўрсаткичи ҳамда хорижий тилни билиш даражаси бўйича тегишли миллий ёки халқаро сертификат бали асосида, баллар кетма-кетлигига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади ҳамда қўшимча имтиҳон ўтказилмайди (эндиликда магистратурага қабул йилда икки марта: август ва январь ойларида ўтказилади).

Президент қарори билан 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларининг магистратура мутахассисликларига ҳамда олий таълимдан кейинги таълим ихтисосликларига танловларда миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга шахслар иштирок этиши тартиби жорий этилди.

Олий таълимдан кейинги таълим (докторантура)га кириш учун ўтказилган имтиҳон жараёнлари **https://imtihon.edu.uz** платформасида онлайн трансляция қилинди.

Иккинчи мутахассисликка ҳужжат топшириш учун **ikkinchitalim.edu.uz,** академик лицейларга ҳамда профессионал таълим муассасаларига ўқиш кириш учун **litsey.edu.uz, kasb.edu.uz, kollej.edu.uz, texnikum.edu.uz** ҳужжатларни онлайн топшириш платформалари ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Мактаб битирувчилари ва уларнинг ота-оналари ўртасида 2022 йилда “Юксалиш” ҳаракати томонидан коррупцияни аниқлаш мақсадида тадқиқот ўтказилди. “Ушбу тадқиқотда қатнашган барча тоифа респондентлар олий таълимни, жумладан, олий таълим муассасаларига кириш имкониятини, олий таълим муассасаларидаги таълим жараёни иштирокчилари орасидаги муносабатларни тадқиқ қилиш зарурлигини таъкидладилар. Қатнашчилар олий таълим тизимида, айниқса ОТМ қабул қилиш масалаларида шаффофлик етарли эмас, деб ҳисоблайдилар. Деярли 700 нафар ота-она, 346 нафар ўқитувчи ва 20 нафар директорлар олий таълим тизимидаги коррупция хавфларини ўрганишни таклиф қилди. Тошкентдаги ота-оналардан баъзилари педагогика ОТМнинг битирувчилари мутахассисликлари бўйича ишлашни истамасликлари сабабларини ўрганишни таклиф қилдилар, шунингдек, бўлажак ўқитувчилар учун амалий машғулотлар сонини кўпайтириш ва ОТМларда ўқитиш сифатини ошириш лозим, деб ҳисоблайди”[1].

Охирги йилларда қабул жараёнидаги шаффофлик таъминланганлигига қарамай, баъзи нохуш ҳолатлар ҳанузгача учраб турибди. Масалан, қабул тестининг аниқ муддатларга асосланмаганлиги, техник муаммолар, касаллиги сабабли кечикиб тест топширувчиларнинг кўплаб пайдо бўлаётганлиги ота-оналар ва тест топширувчилар ўртасида хавотирга сабаб бўлмоқда.

[1] https://yumh.uz/images/news/design_uz.pdf

РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРДА АКАДЕМИК ИНСОФСИЗЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Талабалар биринчи курсга келиши билан академик ҳалоллик тўғрисида уларнинг онгига сингдириш керак.

Синовлар пайтида:

– талабалар ўринларини алмаштириши (ўқишдаги дўстлар ён-ма-ён ўтирмасликлари учун);

– ўқитувчи-профессор атрофда юриши, ҳаммага кўриниб туриши ва ҳаммани кузатиши;

– тасодифий тартибда саволлар билан тестларнинг бир нечта вариантини яратиш;

– ҳар семестрда янги тестлар тузиш лозим;


Ёзма топшириқлар пайтида:

– талабаларнинг ёзиш қобилияти учун асос сифатида фойдаланиш мақсадида семестр бошида талабанинг ёзув намунаси (ҳуснихат кўриниши)ни олиш;

– талабалар аввалдан тайёрланган мавзуларни топширмасликлари учун янги мавзулар бериш керак.

Олий таълим тизимида коррупциянинг олдини олиш ва соҳани бу иллатдан холи қилиш учун хорижий тажриба билан бир қаторда, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганиб чиқиш ҳам фойдали бўлади.

Шу мақсадда **2023 йил февраль** ойида олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш даражасини ўрганиш бўйича сўровнома ўтказилди. Бунда республиканинг турли олийгоҳларидан **20 мингга яқин** иштирокчи қатнашди.




СЎРОВНОМА НАТИЖАЛАРИ

Сўровномада 12129 нафар (61,2%) аёл, 7703 нафар эркак (38,8%) қатнашди. Бундан кўриниб турибдики, сўровномада аёллар бирмунча фаолроқ иштирок этишган. Шунингдек, бу ўтказилган социологик тадқиқот 16 дан 25 ёшгача бўлган ёшлар 92,4% (18330 нафар)ни, 26 дан 35 ёшгача бўлганлар эса 5,5% (1090 нафар)ни, ўрта ёшдагилар 1,6% (326 нафар)ни, ёши катта инсонлар 0,4% (88 нафар)ни ташкил этди. Сўровномада Тошкент шаҳридан 2505 нафар (12,6%), Тошкент вилоятидан 581 нафар (2,9%), Қорақалпоғистон Республикасидан 3909 нафар (19,7%), Хоразм вилоятидан 1953 нафар (9,8%), Самарқанд вилоятидан 1338 нафар (6,7%), Қашқадарё вилоятидан 659 нафар (3,3%), Андижон вилоятидан 233 нафар (1,2%), Фарғона вилоятидан 453 нафар (2,3%), Жиззах вилоятидан 4314 нафар (21,8%), Наманган вилоятидан 2184 нафар (11%), Сирдарё вилоятидан 363 нафар (1,8%) ҳамда Навоий вилоятидан 431 нафар (2,2%) респондентлар қатнашди.

1. Иштирокчиларга дастлаб "Олий таълим тизимида фаолиятингиз қандай? дея савол берилди. Респондентларнинг 91,70 фоизи талаба, 2,30 фоизи профессор-ўқитувчи эканлиги ойдинлашди.

Олий таълим тизимида фаолиятингиз қандай?



2. Сизнингча, коррупция _____
(бир нечта жавобни танлаш мумкин)



Ўтказилган сўровномадан кўришимиз мумкинки, кўплаб респондентлар коррупцияни пора бериш ва олишда, бу жиноятни содир этишда ўртада туришда кўришларини таъкидлашган **(қарийб 60% иштирокчи).** Респондентларга бир неча жавобни белгилашга имкон берилганлиги сабабли қарийб **11 мингдан** зиёд иштирокчилар юқоридаги жавобларни танлашган.

3. Сиз олий таълим муассасасида коррупцион вазиятга дуч келганмисиз (агар дуч келган бўлсангиз, қайси ҳолатда, бир нечта вариантни танлаш мумкин)?


Олий таълим тизимидаги коррупция ҳолати ва қамровини билиш мақсадида берилган ушбу саволга респондентларнинг асосий

қисми (84,6%) “Дуч келмаганман” дея жавоб берган. Шу билан бирга, иштирокчилар ўзлари дуч келган коррупцион ҳолатларни ҳам белгилаб ўтишган.

Оралиқ назоратлар топшириш вақтида	6,1%
Якуний назоратлар топшириш вақтида	9,9%
Курс ишларини бажариш ва топшириш вақтида	3,5%
Амалиёт ишини бажариш ва топшириш вақтида	2,7%
Номдор стипендиялар танлови вақтида	2,6%
Турли хил танлов, олимпиадалар жараёнида	3%
ТТЖга жойлашишда	2,6%
Ўқишни тиклаш ва кўчириш давомида	2,5%
Ўқишга бора олмаган кунлари йўқламада бор деб кўрсатиш	2,3%


Бу савол натижалари бирмунча яхши бўлишига қарамай, тизимда коррупция қолдиқлари сақланиб қолганлиги аён бўлмоқда.

4. Коррупциявий ҳолатларга дуч келган вақтингизда қандай йўл тутишни биласизми?




Бу саволга иштирокчиларнинг 68,7 фоизи *“Ҳа, биламан”,* дея жавоб берган. Лекин респондентларнинг 17 фоизи коррупциявий ҳолатларга дуч келганда қандай йўл тутишни билмайди. Коррупциявий ҳолатлар дуч келганда қандай йўл тутиш кераклигини 19 фоизи иштирокчилар айтиб ўтишган.


5. Сиз таҳсил олаётган/фаолият олиб бораётган ОТМда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолият йўлга қўйилганидан хабардормисиз?



Берилган юқоридаги саволга 82% иштирокчи ОТМда коррупцияга қарши курашиш фаолияти йўлга қўйилганлигидан хабардор таъкидлашди. Бундан кўриниб турибдики, иштирокчиларнинг кўпчилиги олийгоҳда коррупцияга қарши курашиш бўлимлари борлигидан хабардор.

6. Сиз таҳсил олаётган/фаолият олиб бораётган ОТМда коррупцияга қарши курашиш ҳолатини қандай баҳолайсиз?





Яхши




Аъло

Барчага маълумки, коррупция қарши курашишда коррупцияга қарши курашувчи органга нисбатан инсонларнинг ишончи муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли иштирокчиларга *“Сиз таҳсил олаётган/фаолият олиб бораётган ОТМда коррупцияга қарши курашиш ҳолатини қандай баҳолайсиз?”* дея савол берилган. Иштирокчиларнинг 6004 нафари (30%) *“Аъло даражада”* баҳолаган, 9331 нафари (47%) *“Яхши даражада”* баҳолаган, *“Қониқарли”* дея 3257 нафар (16,5%) қатнашувчи баҳолаган. Фақатгина 6,4% иштирокчи бу йўналишда олиб борилаётган ишларни *“Қониқарсиз”* дея таъкидлаган.




7. Сиз дуч келмаган, лекин олий таълимда яна қандай вазиятда коррупция ҳолатлари кўп учрайди, деб ҳисоблайсиз (бир нечта жавобни танлаш мумкин)?



Бу саволни беришдан мақсад олий таълимда қайси тузилмалар коррупцияга мойилроқ эканлигини билиб олиш эди. Фанлардан назорат ишларини олиш вақтида кўпроқ коррупцион ҳолатлар учраши 7742 нафар (80%) иштирокчи томонидан белгиланган. Шу билан бир қаторда, талабаларни ўқишга қабул қилишда ва ўқишни кўчиришда, қайта тиклашда 5500 нафарга яқин (57%) иштирокчилар кор упциявий ҳолатлар кўп учрайди дея белгилаган.

8. Сизнингча, олий таълимда учрайдиган коррупциявий ҳолатларнинг юзага келишига асосий сабаб нима (бир нечта жавобни танлаш мумкин)?



Барчамизга маълумки, коррупциянинг олдини олиш учун бу муаммонинг сабабларни ўрганишимиз лозим. Юқорида келтирилган саволга талабаларнинг 7874 нафари (39%) *“Талабаларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмаслигида”,* деб жавоб берган. Шу билан бирга, 7657 нафар (38,5%) талаба коррупцияга қарши курашиш даражаси пастлигини таъкидлаган. Профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошлари камлиги сабаби ҳам 6651 нафар талабалар томонидан эътироф этилган. Коррупциянинг юзага келишига сабаб қилиб 5562 нафар (28%) талаба ортиқча расмиятчиликнинг кўп эканлигини кўрсатган. 4442 нафар (22,3%) талаба коррупциявий жиноятлар жазосининг енгиллиги ва муқаррар эмаслигини ҳамда 3137 нафар (15,8%) профессор-ўқитувчи томонидан кўрсатилган.



9. Сизнингча, олий таълимда учрайдиган коррупциявий ҳолатларнинг энг кўпи кимлар томонидан содир этилади (бир нечта жавобни танлаш мумкин)?




Олий таълим тизимидаги коррупцияни олдини олиш учун биринчи навбатда, унинг “омилкор”ларининг сабабини билишимиз зарур. Шу мақсадда респондентларга юқоридаги савол билан мурожаат қилинганда, уларнинг асосий қисми, яъни 9068 нафар (33%)и коррупциянинг келиб чиқишига талабалар айбдор дея, 5979 нафари (22%) профессор-ўқитувчилар ҳам коррупциявий ҳолатларни юзага келишига сабабчи дея таъкидлашди. Яқинда жорий қилинган тьютор лавозими энг кам коррупциявий ҳолатларда иштирок этади дея белгилашган сўровнома иштирокчилари.





10. Сизнингча, коррупциянинг қандай янги кўринишлари учрамоқда (бир нечта жавобни танлаш мумкин)?



Ҳозирги замон талабларига тезлик билан мослашиб бораётган бу иллат, янги усуллар орқали таълим тизимига таҳдид солмоқда. Талабаларнинг 9826 нафари (49,10%) телефонга пул ўтказиб беришни коррупциянинг янги кўриниши дея танлаган. Совғаларни уйга етказиб бериш ҳамда китоб сотиш ҳам тегишлича 7187 нафар (36,10%), 3795 нафар (19,10%) талабалар томонидан эътироф этилган янги тури сифатида.

ТАКЛИФЛАР

Келтириб ўтилган қиёсий таҳлиллар ва сўровнома натижаларига таяниб коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш учун қуйидагилар тавсия этилади.

- академик ҳалоллик принциплари ва уларни амалга ошириш тартиблари ҳамда механизмларини яратиш, академик инсофсизликнинг олдини олиш, ходим, профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг вазифаларини қатъий белгилаш ва барча олий таълим муассасалари учун ҳуқуқий принциплар ва нормаларни мустаҳкамловчи, бирлаштирувчи, тизимлаштирувчи, шунингдек мазкур муносабат-



ларнинг ҳуқуқий жиҳатдан комплекс тартибга солинишини таъминловчи кодекс ишлаб чиқиш;

- олий таълим тизимига алоқадор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда академик ҳалоллик нормаларига алоҳида эътибор қаратиш;
- академик инсофсизлик ҳақида хабар бериш сиёсатини йўлга қўйиш лозим;
- ҳар бир талаба билан (айниқса, биринчи йил кирган) коррупция нафақат пул бериш, балки академик инсофсизликни ҳам қамраб олиши ва булар келажакда сифатли кадр бўлиб етишишга тўсқинлик қилиши ҳақида тушунтириш ишларини тизимли йўлга қўйишимиз лозимлигини тушунтириш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан талабаларни таништириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, хусусий олий таълим муассасалари ташкил этилишини рағбатлантириш коррупцияга қарши курашишда яхши натижаларни бериши мумкин. Ҳаммамизга маълумки, коррупция қанча кам бўлса, хусусий университет обрўйи ва рейтинги ошади. Мана шунинг учун ҳам хусусий университет раҳбарлари коррупцияга қарши қаттиқ курашади.

Реферат, курс иши, оралиқ ва якуний ишларни пул эвазига ёзиб бериш хизматларини кўрсатадиган сайт ва телеграм гуруҳлар фаолиятини тақиқлаш зарур.

Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларни грант ва кредит шаклида университетларга беришни йўлга қўйиш лозим. Бу билан кам таъминланган оила фарзандларини таълимга кўпроқ жалб қилишимиз мумкин. Шу билан бирга, олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини яратишга, таълим сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Антиплагиат дастури ёрдамида олий таълим муассасаси талабаларининг курс иши, амалиёт ҳисоботи, оралиқ, якуний, БМИларини платформага жойлаш ва шу жараёнда антиплагиат текширувидан ҳам ўтказиш зурур. Агар плагиатлик миқдори белгиланган кўрсаткичдан юқори бўлса, платформа қабул қилмаслиги керак (*талабалар вазифаларини платформага юклашидан олдин ўзлари текширишлари ҳам мумкин*). Шу билан бирга, антиплагиат дастури ёрдамида талабаларнинг курс ишлари, БМИ, амалиёт ҳисоботларини текширувдан ўтказиш жараёни билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш эҳтиёжи мавжуд.

Мустақил тадқиқотчи, таянч докторант ва докторант (*номзод*)лар билан илмий раҳбар ва оппонентлар ўртасидаги илмий муносабатларнинг шаффоф, очиқ ва ошкоралигини тартибга солиш мақсадида рақамлаштириш, яъни платформа яратиш лозим (*ушбу платформада диссертациянинг белгиланган қисмини ёки тўлиқ илмий раҳбар ёки оппонентга юборганда текшириш вақтлари кўрсатилиб, белгиланган тартибда назоратда бўлиши таклиф этилади*).

Профессор-ўқитувчилар томонидан касбий нотўғри хатти-ҳаракатлар яъни ўқув жараёнига боғлиқ бўлмаган масалалар (*репетиторлик ишлари, телефонда гаплашиш, дарсга тайёргарлик кўрмаслик ва дарсга нисбатан совуққон муносабатда бўлиш)* **“academic quiet corruption”** ва семинар вақтида гуруҳларга ажратилиши керак бўлганда гуруҳларга ажратмасдан битта ўқитувчи томонидан семинар ўтилишининг олдини олишда дарс машғулотларига кузатув камералари ва жамоатчи профессор-ўқитувчиларни жалб этган ҳолда, дарс сифатининг назорат қилинишига эришиш мумкин.

Ўқиш давомида талабаларни томонидан сабабли қолдирилган дарс соатларини ёпишда ҳам коррупцияни кўришимиз мумкин. Университет ходимлари томонидан сохта тиббий маълумотномаларга ҳам кўз юмиб қолдирилган дарс соатларини яшириш ҳолатларининг олдини олиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда тиббий маълумотлар сақланадиган электрон портал яратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

МУНДАРИЖА

Кириш 3
Коррупция нима?..... 5
Академик инсофсизлик (академик коррупция) тушунчаси..... 6
Коррупциянинг таълимга таъсири 10
Дунё мамлакатларида коррупция қарши курашиш..... 12
Юртимизда коррупцияга қарши курашиш учун олиб борилаётган ишлар.... 16
Ривожланган давлатларда академик инсофсизликка қарши тавсиялар 18
Сўровнома натижалари 19
Таклифлар..... 28

Услубий нашр

КОРРУПЦИЯ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ УЧУН
ЯШИРИН ТАҲДИД

Методик қўлланма

Муҳаррир:
Ҳ. Закирова

Техник муҳаррир:
Ш. Бекназаров

Бадиий муҳаррир:
З. Шоимов

Мусаҳҳиҳа:
Д. Бекназарова

Дизайнер:
Ф. Қўзиев

Наш.лиц. Тасдиқнома: 050532, 27.11.2022 й.
Теришга 01.11.2023 йилда берилди. Босишга 04.12.2023 йилда рухсат этилди.
Бичими: 84x108 1/32. Офсет босма. “Pragmatica” гарнитураси.
Шартли б.т. 2.64. Нашр б.т. 2.0.
Адади 500 нусха. Буюртма № OV-11.
Баҳоси шартнома асосида.
“Yetakchi nashriyoti”, 100190, Тошкент шаҳри,
Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.
e-mail: yetakchi_nash@mail.
“Mehr-nuri nashriyoti” УК босмахонасида чоп этилди.
Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.
Телефон: +99890 394-10-65

Коррупция

олий таълим учун яширин таҳдид

ISBN 978-9910-9622-7-1